

Ошик ўлди дея салох этарлар,

Ўлган хайвон эрур - ошиклар ўлмас.

Юнус Эмро.

Куёш уфқдан бош кўтариши билан тонг отади. Уфқка бош кўйганида эса тун бошланади. Тун – ўша тун. Кун – ўша кун. Хеч нима гўё ўзгармайди. Уддалай олса, одамзод хар кун бир янги куёш яратарди. Одатий, кўникилган коронгулик – тун зулматидан кутулиб, хар субхидамда аввалгига ўхшамайдиган офтобни каршилаш завкли эмасми? Аллақайси замонларда шуни хам кимдир хаёлдан ўтказган бўлиши мумкин. Хайриятки, инсон янги ой, янги куёш, янги-янги юлдуз яратишга кодир эмас. Бўлмаса, курраи оламнинг буюк мувозанати бузилиб, дахлсиз интизоми ўзгартирилар ва янада бошқача вахшиёна кураш, ўзгача бир мудхиш тўфон-у касиргалар авж олиб кетиши мукаррар эди...

Тасаввур қилайлик: Хазрати Одам Ато фарзандлари бугдой еб, бугдой неъматлари билан тирикчилик ўтказмаганда нима бўларди? Шайх Фаридуддин Аттор айтган мусибат юзага келарди:

Бани одам агар гандум нахурди,

Хаме мардум ба жуз мардум нахурди.

Чунончи: Одам кавми агар бугдой емаса эди, улар бир-биридан бошка бир нимани емасди. Шубхасиз, шундай бўларди. Факат сиёҳ эмас, балки кон ва кўз ёш ила когозга битилиб келинган башар тарихи Атторнинг ҳақлигини ҳамон тасдиқлаб турибди.

Инсонни зулм ва йирткичликдан саклайдиган, нафсни офат ва кабохатлардан поклайдиган иккита куч манбаи бор. Бири – Оллохни таниш, У кўрсатган йўлдан юриш. Иккинчиси, Ўзни англаш. Англаган – севади, севган эса тушунади. Энг мураккаб, энг калтис муаммоларни ҳал қилиш шунда ўз-ўзидан енгиллашиб, ўнглашиб боради. Бектошийлик тариқатининг бош фалсафаси бор-йўги тўрт каторгина шеърда ифодалангани тасодиф эмас:

Бир-бирини севмагани,

Ўзлигини билмагани,

Одамга бош эгмагани

Номини шайтон деюрмиз.

Асосий ҳақиқат ана шу. Ҳамма давр, ҳамма замонларда инсон зиммасига юкланган муқаддас вазифа ҳам мана шу: Ҳақни ва ҳалқни севиш.

Мутасаввифларга кўра, инсон Тангри мазхарларининг энг юксаги. У яратилмаса, коинот ҳам яратилмасди. Борлик бир жасад. Унинг руҳи ва жони одам. Лекин бу хусусда қанчалик кўп гапирилиб, нечоғлик кўп ёзилмасин, илохий мохият мушоҳадаси кенг қулоқ ёзмаган. Ишк ва ирфон сирлари тадқиқ қилинган бир асарда:

Мо Худойи олам одам ёфтем,

Инчунин одам вале кам ёфтем,

дейилади. Яъни: биз олам Тангрисини одам ўларок топдик. Аммо бундай одамни жуда кам учратдик. Шаркда шу тоифага мансуб кишиларга валий, ориф, сўфий, факир ёки дарвеш дейилган. Одамлар шу зотларнинг ўзига ҳам, сўзи ва амалига ҳам ишонишган. Алдамагани, риёга ён бермагани, холислиги, кароматфурушлик килмагани боис халк уларга эргашган.

Булар кўнгилда томир ёзмаган ёки ўзи яшамаган холдан бахс юритишга катъиян карши бўлишган. Ривоят килинишича, факр холи хусусида халкка маъруза килган Рувайм бин Мухаммадга машхур шайхлардан бири куйидаги мазмунда бир байт айтибди: “Одамку ўлдирмассан, килични не килурсен? Кимматбахо килични сотиб пулига тўтикуш олсанг бўлмайдим?” Рамз ва киноя ила айтилган бу фикрдан кўзда тутилган максадни Абу Бакр Мухаммад бин Исхок Бухорий бундай изохлайди: “Рувайм дилида бўлмаган, ўзи яшамагани холдан бахс юритмиш. Холбуки, факр холини аввал кўнгилда баркарор айлаш, сўнгра унинг мохият ва фазилатларидан сўзлаш ё ёзиш лозим. Буюклардан бири демишки, “Табиатига ёт, яъни рухиятидан жой топмаган бир хол ё бир хакикат хусусида гапирган кимсанинг даъвоси уни эшакка якинлаштиради...”. Демак, гапга ружуъ килиш, донолик ролини бажариш билан хакикатга хизмат килиб бўлмайди. Асос – маъно, мохият, асос – дард ва самимиятдир. Шулар бўлмаса, колгани сохталик, алдов ва хийла эрур.

Маъно ва мохият эшиги кандай очилади? Бунга етишмок учун олдин Тангрини таниш керакми ёки Тангрини таниганларними? Бу саволга кўпчилик “Албатта, Тангрини таниганларни танишда!” деб жавоб бериши шубхасиз. Агар шундай бўлганда эди, чиндан ҳам Хак йўлчилари ва дўстларини таниш энгил кечганда эди – инсоният аллакачон маънавий-ахлокий хасталиклардан, гафлат, жахолат, кахру газаб офатларидан кутулиб, ер юзини жаннат килган бўлар эди. Ва ўзини бунчалик кулфат, бахтсизлик, зулм ва багритошликларга махкум айламасди. Унинг хийла ва найрангбозликлари, нафс шавки ва лаззати учун турланиб-тусланишлари, ютокиб ташланишлари ривож топиб бормасди.

Инсоннинг зохирий йўлсизлиги унчалик кўркинчли эмас, ботиний йўлсизлик ёмон, ички адашув, ичдаги имконсизликлар тахликали.

“Тангрини таниш, - дейди Бахоуддин Валад, - валиларни танишдан кўп осондир. Бутун олам Тангрига топинади. Унга сажда килади. Аммо юз мингларча инсондан хатто биттаси ҳам валиларни етарли даражада таний олмайди. Хазрати Мусо Тангрининг элчиси эмасмиди? Тангри у билан сўзлашмаганмиди? Асоси кўлида аждахога айланмаганмиди? Ул асо ила осийлардан голиб келмаганмиди?”

Худди шундай бўлган эди. Шунга карамасдан, Хазрати Мусо валиларнинг юзини кўриш, уларни таниш учун Тангридан ёрдам тилайди. Унга ёлворади. Нихоят, Оллох унинг дуо ва илтижосини қабул килади ва унга “Ўз умматинг орасидан чик, саёхат кил!” дея буюради. Мусо алайхиссалом сўнг саёхатга кетади. Хизрни топади ва танийди. Лекин Хизрнинг ахволини тушунмайди. Тушунмаганлиги боис унинг ишларига эътироз билдиради. Охири “Бундан буён энди сендан неки зохир бўлса, сас чиқармайман ва жону кўнгулдан қабул айлайман”, - деб тавба килади.

Куръони каримда накл этилган Хизр ва Мусо хикоятига тасаввуф ва тасаввуф адабиётида алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад Оллохнинг хос бандалари, яъни валийуллохларнинг таълими, тарбияси ва таъсирсиз илохий сайру саёхат, файзу камолотда олий натижаларга эришиб бўлмаслигини таъкидлаш эди.

Шарк мутасаввифларининг ўзига хос хизматидан бири, балким биринчиси, инсоннинг маънавий мавқеи ва ички оламига доир қарашларни мисли кўрилмаган даражада кенгайтирганлиги, деса асло хато бўлмайди. Инсон сийратига очилган Йўл – ўзини таниш, Ҳақ ва ҳақиқатга эришишнинг мустасно бир йўли эканини мана шу Маърифат пешволари кашф қилиб берган. Ахлокий, маънавий, рухий ва завкий тажрибанинг улар жуда кийин, бағоят машаққатли усулларини танлашган. Гоҳо узлатга чекиниб, нафсни кийнашган, гоҳо мураккаб ва мушоҳадага берилишган. Кўнгилда ишк оташи ёлқинланганда ўзни ҳам, ўзгани ҳам унутиб холис хол, бегараз, бетаъма амал сохиби ўларок кун кечирган. Тасаввуф адабиётининг етакчи қахрамонлари ана шулар. Санойий, Аттор, Румий, Навоий сингари даҳо санъаткорларга мана шу шахсларнинг ҳаёти ва қисмати илҳом бағишлаган. Фаридиддин Аттор “Тазкират ул-авлиё”ни ёзганда, шеърини асарларидан кам захмат чекмаган ва нисбатан олганда илҳом даражаси ҳам паст бўлмаган. Бу китоб Аттор учун гоъвий-ирфоний бир манба вазифасини ўтаган. Уни валию авлиёлар муҳитига олиб кириб, кенг бир микёсда уларнинг шахсияти, маслағи

хамда мафкурасидан огох этган. Атторминг шоирлик санъати – валоят сир-асрори бадий талкинларини яратиш санъати эди. У ахли хол ва ахли ирфоннинг мухиби эди.

Ахли ирфон нуктаи назарига кўра, Оллох ўзини ошкор айлаш, яъни танитиш учун коинотни вужудга келтирган. Асосий ният эса борлик-олам сахнига комил инсонни чиқариш бўлган. Дунёнинг зохирий манзараси касрат – кўпликни акс эттиради. Унинг замирида ваҳдат – буюк Бирлик пинхондир.

Мохиятбин одам коинотда улухият тажаллисини кўриши ва севиши лозим. Ана шунда мажозий ишқдан илгарилаб, илохий ишқка юксала олади. Ва калбнинг Хак тажаллигоҳилиги тўлик ёркинлашади. Бирок инсон кавми аклини танигандан буён маънога эмас, шакл ва сувратга кизиқиб келади. Ваҳдат эмас, у касрат ошуфтасидир. Неча ўнлаб ориф ва мутафаккир бу карашнинг ноқислиги, саёзлигини асослаб берган бўлса ҳамки, уни англайдиган, англаб амал қилувчилар сафи кенгаймаган. Не-не мутасаввиф, не-не олий нуфузли шайх ва муршидлар, “Эй гофиллар! Биз сувратга ошиқ миз” дейсиз. Бу хатодир. Чунки бутун олам маъно ва хақиқатга ошиқ... Сурат бир қадах. Сурат бир косага ўхшайди. Маъно ва хақиқат эса уларнинг ичидаги май ёки таомдир. Максад қадах ҳам эмас, коса ҳам эмас... Буни билинг ва англашда адашманг!” дея хитоб қилишган. Ўз фикр-карашларини жилд-жилд китобларда ифодалаб беришган. Ахвол эса айтарли ўзгармаган.

Ўзингиз бир ўйланг: неча юз йиллар мобайнида пайгамбарлар ортидан пайгамбарлар келиб, одамларни гафлат, жаҳолат уйқусидан кутулишга чорлаб, канчадан-канча нодир фикрларни баён этишган. Нафаси тошни, темирни эритадиган валию орифлар томоғ огритиб: “Эй гофиллар! Эй гумроҳлар! Сиз бу гаддор дунё ўрмонида йиртқич ва конхўр махлуклар орасида нечун кўркмасдан ухлаб ётибсиз?! Бешафкат ва конли бу маскандан, бераҳм ва олчок бу очундан ўзингизни халос қилинг! Одамийлик шарафи ва ҳақпарастлик икболини намойиш айланг!..” дея нола чексалар ҳам ўша машъум хоби гафлатдан бедор бўлолмаган. Бобораҳим Машраб эса тирикликни ўлимга эврилтирган ушбу ходисани хулосалаб:

Бу гафлат уйқусидан, эй ёронлар, уйғониб бўлмас, -

деган эди.

Шулар назарда тутилса, Гарб файласуфи Спиноза айтган куйидаги гапнинг мохияти жуда осон равшанлашади: “Мен иккинчи бир хаётни асло орзу килмайман. Чунки, зот эътибори ила бу хаётда ўликларнинг орасида тирилдим”.

3

Мутасаввифларнинг инонч ва эътикодлари бўйича, олам Хакнинг вужудида зохир бўлиб, факат хар он янгиланиб, ўзгариб турадиган бир канча фоний ва йўк бўлувчи сувратлардан иборатдир. Булар Унинг асмо ва сифатларининг мазхарлари бўлса-да, зотан Оллох булардан мустагнийдир. Олам йўк бўлса ҳам Оллох зотий сифоти ила яна бокий колади. Демак, оламнинг мохиятини яхлит шаклда билиш ва ўзлаштириш учун, энг аввало, фано тарикига юз буриш, фанолик холи ва сир-асроридан яхши огох бўлиш лозим. Чунки йўкликни – йўклик ўрнида кўриш, ўткинчини – ўткинчи ўларок танишда адашмаслик факру фано холининг бош талабларидан хисобланади. Фано – нафсоний, хайвоний эхтиросларни рух, кўнгул камоли учун, алдамчи латифликлар, бакосиз гўзалликларни энг олий, энг мукамал Гўзаллик учун курбон килиш демак. Бу курбонлик канча кўпайса, инсон сийрати янги маъни, ҳеч мисли кўрилмаган янги-янги иштиёк ва завк-шавк билан ўшанча бойиб боради, энг мухими, у башарий менлигини поклаб ишк ва маърифат огушида гўё бошқадан дунёга келади. Буларнинг бари мистик йўл ва мушохада ила амалга ошади. Баъзи бировлар мистика ёхуд мистизм сўзини эштишданок чўчиб кетади. Бу тўгри эмас. Ботини кашшок, хислари якранг, фикр-тушунчалари тургун ва кўпол кимсаларда ҳеч қачон мистик ҳолат юз очмайди. Шу боисдан ҳам улар сўфий ва мутасаввиф ижодкорлар асарларини ўкиб-ўрганишда канча уриниб-суринмасин, сирли ва асосий нарсани барибир фахмлашолмайди. Мистик майл қачон тугилади? Қачонки, одам ўзининг ички оламидаги латифлик ва гўзалликдан завкланса, илхом топса. Қачонки, сўз билан ифодалаш қийин бўлган шу гўзаллик ва нафислик бағрига чекинишга табиий эхтиёж сезса. Инсоният тарихи қадар қадимий бўлган мистик тажриба хар бир маданиятнинг табиати ва туб мохиятига кўра алоҳида бир маъно касб этгани эътиборга олинса, ислом фалсафасининг энг оригинал бир тарафи мистика, яъни тасаввуф эканлигини билиш қийин кечмайди.

Хорижлик аксарият шарқшунослар тасаввуфнинг келиб чиқиш заминини юнон, хинд, христиан динларига боғлашга уринадилар. Бу нуктаи-назарни тўла қабул қилиш мумкин эмас. Чунки тасаввуфнинг бош тамали ва замини исломдир. Бу, бир томондан, Куръони каримга дахлдор бўлса, яна бир тарафдан Хазрати Пайғабаримизнинг шахсий хаёт тарзлари ва ҳадисларига алоқадордир. Тасаввуфдаги дунёнинг фонийлиги, шу боисдан унга кўнгил бериб, бутга айлантирмаслик, дунё ишлари инсонни Оллохдан йироклаштирмаслик зарурлигига доир тушунчалар исломдан олинган. Мусулмонликкача бўлган фикр-қарашлар-чи? Бунда ҳам асосий ва ҳал қилувчи нукталарда ўзга динларга ўхшашлик йўқдир.

“Эски юнон нуктаи назарида, - дейди туркиялик йирик кадимшунос ва тарихчи Иброхим Кофас ўгли, - ўгрилик, ёлгончилик мубох (рухсат берилган) саналган, хаксизлик килиш бир кудрат нишонаси ва жасоратга мансуб “фазилат”ларнинг аввали дея қабул килинган. Лекин инсонда уят аталмиш бир рухий принцип мавжудлиги хаёлга ҳам келтирилмаган”. Бунга тамоман тескари равишда кадимий аждодларимиз ахлокида инсонга номусли, викорли бир хаёт низомини белгиловчи уят ва уятчанлик туйғуси энг юксак фазилат саналган. Мана шунинг учун ҳам улар дабдаба ичида яшашдан, кеккайиш, манфаат, муваффакият учун ялтокланиш, ваъдага вафо килмаслик, риё ва ёлгончиликдан уялишган. Уят хисси Гарбдагидек бир рухий кучсизлик эмас, аксинча, инсонни доимо ўз-ўзини назорат этишга ундайдиган психологик эhtiёж деб қаралган. Тасаввуф илми асосан огзаки тарзда шахсдан шахсга, кўнгилдан кўнгилга етказилган бир илм бўлса-да, тасаввуф адабиётида нафс, ахлоқ, қалб, рух ҳақиқатлари жуда теран ва ўзига хос шаклларда ёритилганлиги учун, қайси тилда бўлишидан қатъий назар, кўпчиликни кизиктирган. Бунинг энг характерли бир мисоли Фаридуддин Аттор ижодиётидир.

Накл этилишича, Жалолиддин Румий тахминан беш ёшларда экан, бир туш кўради. Тушида нуроний юзли бир қария унга олти новдали битта гул ҳадия этади. Бу тушни у отаси Мухаммад Баҳоуддин Валадга айтганда, “Бу олти жилдлик бир китоб ёзишингга ишоратдир”, дейди. Кизиги шундаки, қолнинг ўзи ҳам Жалолиддинга “Олти бутуқли гулга етишгунингча мана буни мутолаа қилгил” дея бир китоб ҳам берган эди. Орадан маълум йиллар кечгач, Жалолиддин бутун оила аъзолари билан она диёрини тарқ айлаб кетаётганда, ўша қол билан йўлда учрашиб, унинг кўлидан китобни ҳам олади. У – Шайх Фаридуддин Аттор, китоб эса унинг “Асрорнома”си эди.

Атторнинг буюқ Шахси ҳам, ижодиёти ҳам илхом ва ибрат маҳзанидир. Унинг Шахси – асарларига, асарлари – шахсиятига эшиқ очади. Бу маърифат, ишқ, рухоният, санъат “эшиги”дан фақат алоҳида қалам соҳиблари эмас, бутун бошли миллат ижодқорлари ичкарилай олганлиги хайратланарли, албатта.

Дарвоқе, “Туркий халқлар мистикларига намуна бўлган илк асарлар Фаридуддин Аттор қаламига мансуб эди. Бу улуг мутасаввиф “Панднома”, “Илохийнома”, “Мантик ут-тайр”, “Тазкират ул-авлиё” каби китоблари билан ўша замонга қадар амалга оширилмаган ... ирфоний тажриба назариясини яратишга киришиб, уни мазбут (мустанкам) дидактика ҳолига етказган эди. Худди шунинг учун ҳам илк турк мутаржимлари унинг асарлари таржимасига қўл урдилар” (Х.З.Ўлкан. Турк тафаккури тарихи, 202-бет).

4

Форс, турк, рус, ўзбек тилида чиккан макола, алоҳида китоб ва комусларда Атторминг таржимаи холи, ижодий фаолияти хакида кўп ёзилиб, батафсил маълумотлар берилган. Атторм сермахсул ижодкор. У рухни севган. Дин ва ахлоқнинг куч-қувватига суянган. Маърифат, ишк ва бадий ижод завқини ниҳоятда юксак кадрлаган. Кексайганида худди Нажмиддин Куброга ўхшаб у ҳам мўгул босқинининг қурбони бўлган. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида Атторм асарларига шундай таъриф беради:

Назму насридинки тахрир айлабон,

Ваҳдат асрорини тафсир айлабон...

Чун “Мусибатнома”син айлаб баён,

Юз мусибат нафска айлаб баён.

Хар мусибатдин кўнгулга сур ўлуб,

Ким кўнгул ул сурдин масрур ўлуб.

Чун ракам айлаб “Илохийнома”ни,

Вахийга айлаб мухаррир хомани.

Шархи асрори илохи айлабон,

Халк аро шархин камохи айлабон.

Чун, ки “Уштурнома” айлаб ошкор,

Нуктаси бухтиларин тортиб катор.

Неча минг бухти нечукким чархи дун,

Дурри гавхар хамлидин бори забун...

Чун газал гулзорида мажмаъ тузуб,

Булбул отин минг тараннум кўргузуб.

Лекин ул хар бир тараннумдин аён,

Сирри вахдат шархига равшан баён.

Чун рубоийдин бериб девонга зайн,

Рубъи маскун ичра солиб шўру шайн.

Олами маъни аро таксимдин,

Хар бири мухбир неча иклимдин.

Наср ила чун “Тазкира” мавжуд этиб,

Авлиё арвоҳини хушнуд этиб.

Хар бирининг руҳидин юз тийра зот,

Жон топиб ичкон киби оби хаёт.

Бир тараф бориға отину шараф,

“Мантик ут-тайр”га отин бир тараф.

Навоий устодининг китобларини мана шундай тартибда санайди. Айни пайтда уларнинг хар бирига хос хусусият, бирини иккинчидан ажратиб турувчи етакчи фазилатларини таъкидлаб ҳам беради.

Хакикатда ҳам ёлғиз маснавийнависликда эмас, балки газал, рубоий ва насрда ҳам Аттор олий макомларга кўтарилган эди. Агар диққат қилган бўлсангиз, “вахдат асрори”, “вахдат шархи” деган ибораларни Навоий мутасаввиф Аттор ижодиётининг ўзак-негизи ва унинг талкинларидаги туб мохиятни ургулаш учун ишлатади. Дархакикат, Аттор вахдат шаробидан маст, олам ва одам ходисотларини вахдат шуури ила мушоҳада айлашдан ҳеч четламаган, сўзи ҳам, фикр ва ифодалари ҳам кашфу илхомдан тугилган санъаткор эди. Унга кўра, зохирий бу олам “кўплик”, яъни касратдир. Азалий оламда у Хакнинг зоти билан “бир” эди. Ажралиш ва кўплик йўк эди. Зохирий олам бир оташ – алангадан юзага келган тутун янглигдир. Коинотда Бирдан бошқасини кўрамганлар, вахдат дарёсига чўмганлар ва ишк оловида ёнганлар ҳисобланади. Оллоҳ висолига етишишнинг ягона йўли – ўзни билиш, нафсни ислоҳ айлаш, шахватни енгиш ва Хакнинг вужудига фоне бўлиб, вахдат саодатини кўлга киритиш. Аттор “Илохийнома” китобида ҳам ана шу оламшумул хакикатдан баҳс юритади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, у Аҳмад Газзолийдан келган ишк тушунчаси ёки Мансур Халложнинг фано холи сирларини ўзлаштириш билан чекланмайди, янада илгарилаб вахдати вужуднинг чўккиларига юксалади.

5

Аттор мумтоз шеърининг бир неча жанрларида калам тебратган бўлса ҳамки, шоирлик кучи ва талантини кўпроқ маснавий ва газалда намойиш этган. У газалларида тасаввуф завқи, хусусан, вахдати вужуд тушунчасини, илохий йўлчилик учун зарур ҳисобланмиш ишк ва ошиқликни зўр илхом ила тараннум қилган. Ишк оташи, вахдат шуури ва хаяжони унинг маснавийларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир маъно замиридан шундоқ нурланиб туради. Бу гап “Илохийнома”га ҳам тегишли. Асар мазмуни шундай бошланади: қадимда бир подшоҳ бўлиб, бири-биридан ақлли олти ўғилни вояга етказди. Уларнинг:

Бари олий сифот, мардона эрди,

Бировнинг олдида бош эгмас эрди.

Не илму дониш эрса ул замона,

Барида эрдилар нодир ягона.

Кунлардан бир кун подшоҳ фарзандларини хузурига чорлаб, дил тубида саклаб юрган тилак ва орзуларини айтишни сўрайди. Тўнгич ўгил парилар подшоҳининг кизига ошиқлигини, асосий орзуси унинг висолига етишмоқ эканини сўзлайди:

Ки хусни, акли бирлан меҳри жон ул,

На ёлғиз жон эмиш, зеби жаҳон ул.

Агар етсам анга, кулгайди омад,

Яшардим роҳат айлаб то киёмат...

Бу гапларни тинглаган ота унга шахватнинг ёмонлиги ва зиёнларини тушунтиради. Иккинчи ўгил афсунгарлик сир-асрорини эгаллаш максоди ила нафас олишини билдиради:

Чу жоду илмини истайди кўнгул,

Анинг бирла муродим айлаб хосил.

Этиб сайру томоша хар диёрда,

Яшардим шоду хуррам хар канорда...

Хама сохиб жамолларга тикилсам,

Алар бирлан кейин ишратда бўлсам.

Не истарсам, ўшанга топсам имкон,

Юритсам еру кўкда хукму фармон.

Албатта, подшоҳ бундай орзу ва иддаонинг бемаъни ва магзи пучлигини ўглига изохлаб беради. Хуллас, бошқа ўгиллар ҳам бирин-кетин ўзларини асир айлаган орзуларини баён

етишади. Хатто Сулаймон пайгамбар узугини кўлга киритишни кўзлаган шахзоданинг нияти ҳам отага макбул келмайди, “Дунёдаги ҳамма давлат ва салтанат иши ўткинчи”, - дейди. Нихоят, олтинчи ўгил кимё илмини эгаллаш ва олтин йиғиш хохишини билдиради. Шунда подшоҳ унга “Сен вужудингни кўнгил холига мувофиқлаштириш, кўнгилга эса Хак ишқини ерлаштиришни кўзла: эрлар, эранлар, ана шу хил кимё билан машгул бўлурлар”, - деган мазмунда кўрсатма беради.

Хўш, бу кимёнинг ўзи нима? Ундан кўзланган асосий мақсад нималардан иборат?

Кимё ёки кимёи саодат деган тушунча – бу нафсни тозалаш, уни жилолантириш, ёмон феъл-хўйларни яхшилари билан ўзгартириб, вужуд талаби ила тугилажак хайвоний майлу хирслардан озод бўлиш демак. Нафснинг тубан ва чиркин хусусиятлари йўқотилиб, уларнинг жойига юксак ва кийматли фазилатларни собитлаштирмоқ билан нафс тазкия этилади. Ана шу ҳақиқат кимёдир, чунки у ёмон хулқлар орасидан нафснинг жавхарини юзага чиқариб, яхши ва гўзаллари билан ўзгартиради. “Илохийнома”да психологик шу масала кенг кўламда ёритилган ва ундаги 250 дан зиёд хикоятлар ҳам маънавий кимё куч-қувватини исботлашга, ҳар нарсадан аввал ишқ, ирфон ва илмга таяниш йўлларини кўрсатишга хизмат этади. Ўша хикоятлардан бири жаҳонгир Искандар ва унинг ўлими ҳақидадир. Албатта, Искандарнинг оби ҳаёт, яъни боқий тириклик сувини излаш воқеаси Шарк адабиётида кўп талкин қилинган. Лекин мурод-мақсадга етишиш тимсоллари ўлароқ Аттор яна икки нарсани кўшади:

Довул бормиш яна, бир сурмадон ҳам,

Эмиш ҳар иккисида мўъжиза жам...

Оби ҳаётдан қонган киши абадий умрга етишгач довулга кўл урганда ҳасталиклардан ҳалос бўлар экан. Кўзга сурма сурганда эса денгиздан то аршгача нима мавжуд бўлса, ҳамма-ҳаммасини кўрар ва биларкан. Искандар довулни ҳам, сурмадонни ҳам излаб-излаб топади. Лекин унинг топганлари ҳатолик ва толесизлик сармоясига дўнади. Буни Аттор Афлотуни ҳақим шогирди тилидан нақл этиб ёзади:

Деди: шоҳи жаҳонга не дейин сўз?

Довулким ул, ясатмиш эрди Хурмуз.

Уни сен ноахилларга инондинг,

Ўзингни бўйлаким иллатга кўйдинг...

Вале гам чекма, икки сўз дегум шул,

Ўшал оби хаётдан хам азиз ул.

Бу янглиг мулку бу кахру сиёсат,

Кўланса ел эрур, боди нажосат...

Тафаккур айла, ўзни ўртама, бас,

Ки, ул илми разиндур, ўзга эрмас.

Насиб этган эса ул илму хикмат,

Уни оби хаёт бил, бекудурат...

Аттор нуктаи назарида, хар турли китоблардан ўкиб-ўрганилган таклидий илмлар инсонни бу дунё зиндони, бу борлик тузокларидан озод этолмайди. Чунки бундай илм жонсиз ва ўликдир, ориф ва валиларнинг маърифатига ўхшаб инсоннинг юрагига завк, тириклик рухи ва кудратини етказолмайди. Бу карашда жон бор, албатта. Тасаввур этинг, деворда инсоннинг чиройли бир суврати чизилган. Унинг боши бор, лекин жонли акли йўк. Кўзи бор, аммо кўролмайди. Кўли бор, бироқ харакат этолмайди. Хаттоки, кўлида киличи хам бўлсин, кесадими? Йўк, кесолмайди. Чунки кўкраги ичида нурли бир калби йўк. Бизга хар канча кўркама, махобатли кўринмасин, суврати чизилган дарахтдан мева териб ололмаймиз. Атторнинг ўқувчини шакл эмас, маъно, мохият, хаёт ва хакикат ошигига айлантира билишнинг сиррини хам кўнгул оби хаёти бўлган илмдан излаш керак:

Илм йўлида гар эрса саботинг,

Етишгай сенга ул оби хаётинг.

Илм сорига юрсанг, тўгри тут йўл,

Агарда чалгисанг, шайтон этар ул,

дейди шоир.

6

Аттор ижодиётини биз етарли даражада ўкиб-ўзлаштирганимиз йўқ. Аттор серкирра истеъдод сохиби. Бу беназир зот ишкни маърифат ила уйгунлаштира билган ориф хам эди. Унинг шахсиятидан бахс юритганда, чин факирлик, дарвешлик, валилик ва жўмардлигини-да, назардан четда колдирмаслик лозим. Атторга нисбатан файласуф сўзи унча мувофик эмасдай туюлади. Аслида дил нигохи дунё багрини кесиб ўтган шу хакир шоир файласуфларнинг файласуфи, мутафаккирларнинг муршиди эди. Унинг илохий кашф ва илхом билан битилган китобларида тафаккурни ичдан ёлқинлантириб, фалсафа оёгини ердан кўтарадиган жавхари зот мавжуд. Аттор худди ўлим сингари тирикликни хам бир бўшлик деб англайди. Бири иккинчисига ўхшамайдиган шу икки бўшликни фанопараст шоир Рух билан тўлдиради. Алал-окибатда ишк завки, ирфон тили билан баколик сир-асрорини ёритиб беради. Машхур турк шоири Мехм

е

д Акиф Эрсой, “Биз асарларимзни номусли оилаларда ўкилишини кўзлаб ёзурмиз. Зотан, ижтиходимизга кўра адабсизлик бошланган нуктада адабиёт тугайди”, деган эди. Ахлоқ-одоб бурхони адабиётни таназзулга махкум айлаши шубҳасиз. Аммо адабиётни емирадиган, ўлдирадиган асосий фалокат имонсизлик ва эътикодсизликдир. Аттор шунинг учун хам бадий ижодда имон, эътикод, хакикат ва виждон мавқеини баланд кўтарган эди. Бирок унинг ахлокий фазилатлари ва инсоний сифатлари шеъридан хам, мутасаввифлигидан хам кўп юксак эди. Буни у бошига тушган фожиа ва фалокатлар, ниҳоят, ўлимни мардона каршилаш матонати ила у тўла исботлай олганди. Оловнинг иссиги ва хароратини хис қилган киши куйишдан кўркади. Ўзи оловга айланган одамда эса бундай кўркув бўлмайди, деган гап бор. Шу ҳақ гап. Атторга қилич кўтарган ваҳший мўгул аскарлари ислом ва имонни қурол билан таслим айлаб бўлмаслигини билмасди. Боз устига, жаҳолат ва ақидапарастликни титратган Мансур Халложнинг нури юз эллик йилдан сўнг айнан шу қариянинг руҳига тажалли айлаб, унга мураббий бўлганини қонсираган ўша мўгул ҳаёлга хам келтирилмасди. Агар мўгул лашкарлари маълум муддат мусулмонларни енгиб, голиб чиқишган бўлса, орадан унча узок вақт ўтмай уларни ислом ва мусулмонлик ўзига таслим этган эди... Яъни Мавлоно Жалолиддиннинг “Мўгуллар

мусулмонликка номзоддирлар” деган башоратлари рост чикиб, хатто уларнинг бир неча хукмдорлари ҳам исломни қабул қилиб, шу дин раўнақиға хисса қўшганлиғи тарихдан аёндир. Демокчимизки, Аттөр ўлим ва мағлубият тахликаси билан эмас, балки Хак дини тантанаси, ишк ва ирфон истикболиға комил ишонч ила фоний дунёдан қўз юмган.

7

Бундан бир неча йил аввал ислом тасаввуфи ва бадий ижод масалларини ўрганган гарблик тадиқкотчилардан бири била учрашиб суҳбатлашган эдик. Мен унга тасаввуфға кизиқиш сабабларини сўраганимда, жуда галати, яъни қутилмаган гапларни ҳам сўзлагани ёдимда:

– Бизға тил билан алоқа қилиш йўл ва усулларини ўргатишди. Билимнинг ёзма ва оғзақи тилға боғлиқлиғини англашди. Биздан ўнларча, юзларча китоб ўқиш ва уларнинг маъно-мазмунини эгаллаш талаб қилинди... Аммо бошқа бировларнинг гап-сўзларини такрорлаш шахсий ҳаётимизға ҳузур-халоват бермаганидек, моҳиятға рағбатлантирмаслиғи ҳам инобатға олинавермади. Атоқли адиб ва олимларимиз ёзган нарсалардан ҳеч қайсиси бизни на ирфонға илҳомлантира олди, на Оллоҳға яқинлаштирди. Ўқиш, қурук ўзлаштириш билан ҳаёт руҳи қанот қоқиб келмайди...

Бундай фикр-мулоҳазаларни тинглаш менға мароқли эди. Чунки тасаввуфни тириклик, маънавий-руҳий ҳуррият, тафаккур эркинлиғи ва таракқиёти душманларига қарши қурашиш йўли эканини тўғри илғаган суҳбатдошим гарб жамоасининг хайратланарли бир тузук ичида яшаётганини бағоят аниқ тарзда баён этарди.

– Бизлар шакл ва рамзларға ҳам тобемиз, – деган эди у, – Холи қоримизға ярамагани замон қандай қилиб уларни бир ёққа улоқтиришни ҳам билмаймиз. Бирок тўхтамасдан, бетиним гапираимиз. Онгимиз, оғзимиз сўзбозлиқдан ағар бўшамаса, лоф ва сафсата бозорини янада кизитаверсак, ўзганинг гапини биз ҳеч қачон тингламаймиз ва тинглолмаймиз. Шундоқ бўлғач, Оллоҳ овозини қандай эшитиш мумкин ?..

Бирданига мен хушёр тортдим. Ахир, килу колчилик балоси бизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бирок мен гап кўшишни эмас, инглиз олимани охиригача эшитишни истардим. У форсийда равон сўзламаса-да, фикрини аниқ етказиб билар, ирфоний хакикат ва холатларга алохида бир иштиёқ хосил қилгани сезилиб турарди. Унинг икрори бўйича, гарб олами рухни эмас, балки моддани, маънони эмас, сувратни асос билгани, ишк, маърифат, шафкат ва мурувватни назарга илмагани боис хол илмини, жумладан сукут сир-асрорини ҳам деярли билмайди:

– Бизнинг одамларимиз, ҳеч бўлмаганда, зиёлиларимиз илохий ишк, ирфон ва сукут завкига эришиб, ботинан нури илохий ва хассос холларга етишишганида – факат ана шундан сўнг - замон ва макондан юксақдаги Чолгувчи мусикасини тинглай олишлари мумкиндир...

Ха, Шарк мутасаввифлари инсоният бошига ёгилажак ва кўнгил водийсида сўнгсиз кургокчилик, куруклик пайдо этадиган бало-казоларни олдиндан аниқ пайкаб, аввалдан бунинг чора-тадбирларини бадиий ижодда талкин қилиб кетишган. Буюк озарбайжон шоири Насимий ёзади:

Маърифат касб этмадинг сен фонисан,

Бир-икки кун дунёнинг меҳмонисан.

Хакни билсанг оламнинг султонисан,

Билмасанг худ дев ила шайтонисан.

Албатта, Гарб одами бу сатрларни ўқимаган. Ундаги ҳар бир сўзнинг магзини чакиб, Маърифат орқали Хакни билиш ва севишга ҳам уринмаган. Лекин Насимий меросининг ворисларичи? Насимий шеъриятининг бошқа халқларга мансуб мухлис ва мухлибларичи?

Мен гапни чўзиб ўтирмасдан, тасаввуфга ўзича умид билан караган, жамиятидаги ахлокий-маънавий кусур ва иллатларни Шарк мутасаввифлари илмий, адабий меросига таяниб хар калай камайтиришга инонган ва шундай ишонч билан аллома бобомиз Азизиддин Насафий рисоаларидан бирини она тилига таржима килган озарбайжон адибаси Офок Масъуднинг мана бу фикрларига диққатингизни каратмокчиман: “Бизнинг жамиятимиз хозирги пайтда жонли майитлардан иборатга ўхшайди. Одам билан учрашасан, карайсанки, у одам эмас, рухан кай томонга бўлмасин, кочиб яширинасан... Уй-жой, еб-ичиш, кийим-кечак инсоннинг рохат-фарогатини таъминлаш учундир. Инсон эса бутун борлигини худди шу нарсаларга курбон килаётир...”

Адиба зохирий сўфийлик билан, ботиний сўфийлик айна бир хол ва тажриба эмаслигини, курук зухду такво, тарикат расм-русуми хеч вақт Гўзаллик, нафосат, ишк ва маърифат тарбияси билан тенглашолмаслигини тўғри таъкидлайди.

Хол ахлининг ургулашича, инсон табиатида тирикликка алокадор бир кўполлик, тирикчилик, яъни турмуш ташвишлари билан боглик чиркинлик ва тубанлик мавжуд. Мана шу нарса одамнинг Гўзаллик ва Нафосатни хис килиш, Гўзалликдан завкланишга ё тўскинлик килади ёки каршилиқ кўрсатади. Агар инсон Гўзалликни севиш ва мушохада айлаш салохиятига эга бўлмаса, унда эстетик туйғуни тарбиялашга уринишдан бир наф чикмайди. Бундай холатда хеч канака ташаббус санъат ва адабиётни англашга ҳам ёрдам кўрсатолмайди.

Нафосат инсонни хамиша Гўзаликка, сабр-каноатга чорлайди. Дунёда энг рахм-шафкатли, химмати зўр, фавкулудда меҳрибон, рух ва кўнгилни яйратиб, яшнатувчи кудрат – бу, Гўзаллик. Шунинг учун мутасаввиф санъаткорлар хаёт гўзаллиги билан, инсоннинг асл мохиятини ёритишга илхомлантирувчи илохий Гўзалликни ўзаро уйғунлаштиришган. Фариддин Аттор шу тоифадаги ижодкорларнинг сардори ва пиру муршидларидан эди.

Мустакилликкача биз ўкиш ва билиш зарур бўлган диний, фалсафий, тасаввуфий кўп китобларни кўлга хам олмаганмиз. Табиийки, билим, малака, дид ва савия, дунёкараш ва тафаккур хам шунга яраша бўлган. Кўникиш ва унитиш оралигидаги маънавий бузилиш ёки фикрий йўқотишларни бугун айтиб адо килиш кийин. Аммо Мустакиллик мафкураси Ахмад Яссавий, Сулаймон Бокиргоний, Сўфи Оллоёр сингари мутасаввуфлар ижодиётига ўам кенг йўл очди. Навоийнинг Навоий бўлишига маълум бир таъсир кўрсатган форсий тасаввуф адабиёти даргаларининг асарлари хам таржима этилди. Жалолиддин Румийнинг олти жилддан таркиб топган “Маснавий”сининг ўзбек тилидаги таржимаси китобхонлар кўлига етиб борганлиги,

Атторнинг “Мантикут тайр” достони ҳам назмда, ҳам насрда она тилимизда чоп этилгани назарда тутилса, тасаввуф адабиётини ўқиб-ўрганишда кандок имтиёз ва имкониятга эришилгани бир қадар ойдинлашади. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол “Мантикут тайр”дан кейин, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти мумтоз адабиёт бўлимининг навбатдаги таклифи билан “Илохийнома” таржимасига киришган эди. Захматқаш ва сергайрат шоиримиз бу ишни ҳам ниҳоясига етказди. Китобхонлар бир пайтлар “Илохийнома”нинг профессор Нажмиддин Комилов насрий таржимасидаги айрим парча ва хикоятлари билан танишган бўлса, энди унинг шеърий шаклдаги ўзбекчасини тўлик ўқиш имкониятига эгадирлар.

Хақиқий шеър, чинакам шеърият – инсоннинг Ўзлигини идрок айлаган юксак бир нуктада юзага чиққан илхом ва хайратнинг бадиий тили. Жамол Камол таржимаси ўқувчини айна шу хақиқатга ишонтира олади. Менингча, китобхон учун ҳам, таржимон учун ҳам энг муҳим натижа мана шу.